

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Qizilqum Fosforit Kompleksi» МЧЖ

Директори

\_\_\_\_\_ Самадов Ф.Х.

» \_\_\_\_\_ 2022г.



**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ  
БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ  
ҲУЖЖАТЛАРИ**

## УМУМИЙ ҚИСМ

### **ЭНГ МАҚБУЛ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ**

#### **1. Умумий ҳолат**

**1.1** Ушбу Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги 684 соли Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3550 Қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. (кейинги ўринларда - қарор).

**1.2** Энг яхши таклифларни танлаш мавзуси: Навоий вилояти, Конимех туманида жойлашган «Qizilqum Fosforit Kompleksi» МЧЖ ишчи-ҳодимларига шифобахш-профилактик овқат тайёрлаш. (Тўлиқ маълумот техник топшириқда кўрсатилган).

**1.3** Энг яхши таклифларни танлаш таклифида таклиф қилинадиган нарх бошланғич нархдан ошмаслиги керак.

**1.4** Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

**1.5** Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

#### **2 Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари**

**2.1** Бююртмачининг номи – «Qizilqum Fosforit Kompleksi» МЧЖ

**2.2** Комиссиянинг ишчи органи Харид комиссияси (бундан кейин - " харид комиссия").

**2.4** Энг яхши таклифларни танлаш камида беш аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

#### **3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари**

**3.1** Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

#### **4. Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби**

**4.1** Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг мақбул таклифини тақдим этиш;

#### **4.2 Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

Мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қуйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

#### **4.3 Қуйидаги ҳолатларда иштирокчиларнинг Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишлари тақиқланади:**

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;
- "Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;

- Виждонсиз ижрочилар ягона реестрга киритилган бўлса;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

**4.4** Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миждонинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш.

## **5. Танлаш таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**5.1** Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари танлаш эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифларни киритадилар.

**5.2** Иштирокчилар тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

### **5.3 Танлаш таклифи қўйидагилардан иборат:**

нарх қисми танлаш шартларига мос келиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот(хизматлар) номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати, танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб ва бошқалар. Талабгор танловга қатнашиши билан ушбу шартларнинг барчасига розилигини билдиради.

**5.4** Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари энг яхши таклифларни танлашда қатнашиши учун қўйидаги ҳужжатларни тўлдириши керак.

**1-шакл Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар**

**2-шакл Кафолат хати**

**3-шакл Энг яхши таклифларни танлашдаги хизмат тури бўйича иш тажрибаси**

**4-шакл Ишларни бажариш истагини билдирган ташкилотининг моддий-техник базаси(мавжуд техникалари ва жихозлари) рўйхати**

**5-шакл Танлов бўйича бажариладиган ишлар билан танишганлик Гувоҳномаси  
Ишларни бажариш бўйича қўшимча таклифлар.**

Шунингдек, иштирокчи таклифни, шу жумладан барча танлаш ҳужжатларини тайёрлаб уларни электрон шаклда маҳсус [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда жойлаштириши керак. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳар бир лот бўйича фақат битта таклиф беришга ҳақли.

**5.5** Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш ўтказилган деб топилади.

**5.6** Техник таклиф қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

**5.7** Ушбу танлашга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

**5.8** Харид комиссияси фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

## **6. Энг яхши таклифларни танлаш тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**6.1** Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлашни баҳолаш бўйича харид комиссияси томонидан белгилаган вақт ҳисобланади.

**6.2** Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

**6.3** Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

**6.4** Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларда ёлғон маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

**6.5** Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин.

**6.6** Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлаш иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлаш иштирокчиларининг таклифи бўйича энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

**6.7** Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**6.8** Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

## **7. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.**

**7.1** Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайди Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

## КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА

Мен, \_\_\_\_\_ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

М.Ў.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Очиқ эркин савдолари иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Гувоҳнома рақами ва санаси \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

### Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

### Асосий ва доимий ходимлар (мутахассислар)

Тартиб №№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

Қатнашчининг фирма бланкида

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Харид комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу хат билан Сизга шуни ёзиб маълум қиламизки, \_\_\_\_\_ :  
(корхона номи)

- 1) илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларга ега эмас;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмас; (маълумотнома тақдим этилиши зарур)
- 3) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзлари йўқ; (маълумотнома тақдим этилиши зарур)
- 4) номидан харид комиссиясига жўнатилган барча маълумотлар ҳаққонийлиги учун жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДАГИ ХИЗМАТ ТУРИ БЎЙИЧА ИШ  
ТАЖРИБАСИ**

(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)

<b>№</b>	<b>Объект номи</b>	<b>Буюртмачи номи</b>	<b>Бажарилган иш тури</b>	<b>Ишлар бажарилган давр</b>
	<i>Жами:</i>			

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.



**ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ТАШКИЛОТИНИНГ МОДДИЙ-  
ТЕХНИК БАЗАСИ(ТЕХНИКАЛАР ВА ЖИХОЗЛАРИ РЎЙХАТИ)**

<b>Тартиб №</b>	<b>Номи</b>	<b>Маркаси</b>	<b>Сони</b>	<b>Ишлаб чиқарилган йили</b>

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ТАНЛОВ БЎЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШГАНЛИК  
ГУВОҲНОМАСИ**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_ ,  
(Ф.И.Ш., лавозими)

\_\_\_\_\_ эълони топшириғига биноан  
(энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси номи)

\_\_\_\_\_ объектига ва унга туташ  
(объект номи)

худудларда бўлдим ва кўрув ўтказиб, ушбу объект бўйича хизматларни шартнома асосида сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, ишларни қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим.

Буюртмачининг ваколатли вакили:

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.О)*

\_\_\_\_\_ *ИМЗО*

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.